

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Тошкент вилояти

хокимининг ўринбосари,  
танлов комиссия раиси

З.Т.Миргазиева

2021 йил “8” октябрь

300-4-4569  
08.10.2021й

Давлат мактабгача таълим ташкилотларида аутсорсинг усулида  
овқатлантиришни ташкил этиш бўйича танлов комиссияси йиғилишининг  
1-сон БАЁНИ

2021 йил 8 октябрь

Тошкент вилояти

Раислик қилди:

Катнашди

З.Миргазиева - Тошкент вилояти хокимининг  
ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш  
ва маънавий маърифий масалалари бўйича  
ўринбосари, комиссия раиси

С.Баратова - Тошкент вилояти Мактабгача  
таълим бошқармаси бошлиғи, комиссия раиси  
ўринбосари

Комиссия аъзолари:

Р.Юлдашев - Тошкент вилояти хокимининг  
ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш  
ва саноатда кооперация алоқаларини  
кенгайтириш масалалари бўйича ёрдамчиси;

С.Мирзакаримов - Ўзбекистон Республикаси  
Мактабгача таълим вазирлигининг мактабгача  
таълим ташкилотларида соғлом ва хавфсиз  
овқатлантиришни таъминлаш бўлими бошлиғи;

В.Акайдинов - Тошкент вилояти Мактабгача  
таълим бошқармаси бошлигининг молиявий-  
иктисодий ишлар бўйича ўринбосари;

Н.Жўраев - Тошкент вилояти Молия бош  
бошқармасининг Ижтимоий соҳа муассасаларини  
молиялаштириш бўлум бошлиғи;

Р.Кидирбаев - Тошкент вилояти Монополияга  
карши курашиш бошқармаси мутахассиси;

С.Йўлдошев - Тошкент вилояти Санитария-  
эпидемиологик осойишталик ва жамоат  
саломатлиги бошқармаси мутахассиси;

А.Ишанкулов - Тошкент вилояти Ошпазлар  
уюшмаси раиси.

*Лавозимига кўра:*

**М.Насруллаева** - Нурафшон шаҳар Мактабгача таълим бўлими мудири;

**А.Таджибаев** – Ўрта Чирчик туман Мактабгача таълим бўлими мудири в.в.б.;

**М.Сапарбаева** - Бўстонлик туман Мактабгача таълим бўлими мудири;

**Г.Абдуллаев** - Қибрай тумани Мактабгача таълим бўлимининг хизмат бошлиги;

**Х.Юлдашев** - Тошкент вилояти Мактабгача таълим бошқармаси мактабгача, таълим ташкилотларида соғлом ва хавфсиз овқатланишни таъминлаш бўлими бошлиги.

### Комиссия котиби:

### КУН ТАРТИБИ:

**Тошкент вилоятининг Нурафшон шаҳри, Ўрта Чирчик, Бўстонлик ва Қибрай туманлари давлат мактабгача таълим ташкилотларида соғлом овқатлантиришнинг аутсорсинг усулини жорий этиш бўйича ташкил этилган тажриба-синов танлов жараёнини ўтказиш тўғрисида.**

(З.Миргазиева, С.Р.Баратова, Р.Юлдашев, С.Мирзакаримов, В.Акайдинов, Н.Жўраев, Р.Кидирбаев, С.Йўлдошев, А.Ишанкулов, М.Насруллаева, А.Таджисабаев, М.Сапарбаева, Г.Абдуллаев, З.Миргазиева)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат мактабгача таълим ташкилотларида соғлом овқатлантириш тизимини такомиллаштиришнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 30 июндаги 407-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида жорий йилнинг 22 сентябрь куни Тошкент вилояти ҳокимининг “Давлат мактабгача таълим ташкилотларида соғлом овқатлантириш тизимини такомиллаштиришнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги 153-10-0-Q/21-сон қарори қабул қилинди.

Мазкур қарорнинг, 2-бандида берилган вазифалар ижроси, яъни вилоятнинг Нурафшон шаҳри, Ўрта Чирчик, Бўстонлик ва Қибрай туманлари давлат мактабгача таълим ташкилотларида соғлом овқатлантиришнинг аутсорсинг усулини 2021-2022 йилларда жорий этиш бўйича тажриба-синов танловларини ўтказиш ишларини ташкил этиш мақсадида, ишчи органи (вилоят Мактабгача таълим бошқармаси) овқатлантиришнинг аутсорсинг усулини жорий этиш бўйича белгиланган туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлимлари томонидан тақдим этилган, аутсорсинг усулида овқатлантиришни ташкил этишга ўтказиладиган ташкилотлар (кувати, бола сони, ошхонасининг ҳолати, таъмирталаблиги, жихозлар ҳолати, санитария-гиёна ҳолати) тўғрисидаги маълумотларни ўрганган ҳолда мактабгача таълим ташкилотлари лотларга ажиратилди.

Унга кўра, овқатлантиришнинг аутсорсинг усулини жорий этиш бўйича белгиланган туман (шаҳар)ларда фаолият юритаётган 88 та давлат мактабгача таълим ташкилотлари жами 18 та лотларга жойлаштирилди.

Хусусан Нурафшон шаҳри бўйича 2 та лотда (1-2 лотлар) жами 10 та, Ўртачирчик тумани бўйича 4 та лотда (3-6 лотлар) жами 20 та, Бўстонлик тумани бўйича 4 та лотда (7-10 лотлар) 20 та ҳамда Қибрай тумани бўйича 8 та лотда (11-18 лотлар) 38 та давлат мактабгача таълим ташкилотлари учун танлов эълон қилинди. Ушбу танлов матни Тошкент вилояти ҳокимлигининг [www.Toshvil.uz](http://www.Toshvil.uz) веб-сайтига 2021 йилнинг 23 август куни жойлаштирилди.

Юқоридаги эълон натижаларига кўра, 2021 йилнинг 20 сентябрь соат 17:00 га қадар жами 19 нафар тадбиркорлик субъектлари томонидан овқатлантиришнинг аутсорсинг усулини жорий этиш бўйича таклифлар келиб тушди.

Танлов комиссиясининг раиси томонидан танловни ўтказиш жараёни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2021 йил 30 июндаги 407-сон қарори билан тасдикланган Танлов хужжатлари асосида ташкил этилиши таъкидлаб ўтилди ҳамда иштирокчиларни танловни ўтказиш тартиби билан таништирилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 21 августдаги “Махаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-кувватлашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 4812-сонли қарори талабидан келиб чикиб, асосий турдаги кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини импортга эмас, балки, дехқон ва фермер хўжаликларидан колаверса, салоҳиятли кластер корхоналаридан сифатли ва арzon нархларда мунтазам харид килиниши мақсадга мувофиқлиги билдирилди.

Вилоятнинг Нурафшон шаҳри, Ўрта Чирчик, Бўстонлик ва Қибрай туманлари бўйича танловга қўйилган жами 18 та лотларда 88 та давлат мактабгача таълим ташкилотлари ҳамда танловда иштирок этиш учун хужжат тақдим этган 19 нафар тадбиркорлар тўғрисида маълумот берилди (**1- ва 2-иловалар**).

Танлов комиссияси аъзолари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2021 йил 30 июндаги 407-сон қарори билан тасдикланган Тартибга мувофиқ 19 та талабгор корхоналарнинг ташки конверт хужжатлари Тартибининг 1-иловаси, 1, 2, 3, 4, 5, 6-шаклларига мослиги ўрганилиб чиқилди.

Ўрганишнинг малака танлови натижаларига кўра, танловда катнашаётган жами 19 нафар иштирокчилардан 13 нафари иштирокчининг хужжатлари тартибда белгиланган талабларга жавоб бермаслиги аниқланди ҳамда Тартиб талабларига мос равишда хужжатлари мавжуд бўлган 6 нафар иштирокчиларнинг танловга тақдим этган ички конверт хужжатларини ўрганиб чикиш танлов комиссияси аъзолари томонидан мақсадга мувофиқ деб топилди.

**Малака танлови натижалари мазкур баённинг 3-иловасида келтирилган.**

Танлов комиссиясининг қарори билан биринчи босқичдан ўтмаган танлов иштирокчилари танловда катнашишдан четлаштирилди.

Танлов комиссияси томонидан танловнинг 6 нафар иштирокчиларининг “Ички хужжатлари”, яъни техник ва тијорий таклифлари ўрганилди ва баҳоланди.

Техник ва тијорий таклифларни баҳолаш натижалари мазкур баённинг 4-иловасида келтирилган.

Шунингдек, Тартибининг 6-боб 49-банд 5-иловасига мувофик Танлов комиссияси ҳар бир аъзосининг баҳолаш варакалари илова қилинган.

Тошкент вилояти давлат мактабгача таълим ташкилотларида соғлом овқатлантиришни аутсорсинг усулида ташкил этиш бўйича ўтказилган танлов натижалари асосида Танлов комиссияси қарор қиласди:

1. Танлов натижаларига асосан 1-лот бўйича “**Governess Business**” МЧЖ 75 балл, “**Traede eeg group**” МЧЖ 75 балл тўпланганлиги маълумот учун қабул қилинсин. (*Изоҳ: “Traede eeg group” МЧЖ раҳбарининг 2021 йил 7 октябрдаги 07/10-сонли хати билан 1-ўрин “Governess Business” МЧЖга берилган*)

1.1. 1-лот бўйича “**Governess Business**” МЧЖ 75 балл билан 1-ўрин (Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Эркин, М-39 Автомагистрал йўли 45А-уй ) танлов ғолиби, “**Traede eeg group**” МЧЖ (Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани, А.Қодирий кўчаси, 35-уй) 75 балл билан 2-ўрин заҳирадаги ғолиби деб ҳисоблансан. (*Изоҳ: “Traede eeg group” МЧЖ раҳбарининг 2021 йил 7 октябрдаги 07/10-сонли хати билан 1-ўрин “Governess Business” МЧЖга берилган*)

1.2. Танлов ғолиби “**Governess Business**” МЧЖ томонидан 1-лот бўйича йиллик 19 фоиз устама билан хизмат кўрсатиш орқали 277,2 млн. сўм инвестиция киритиш мажбурияти юклатилсин.

2. Танлов натижаларига асосан 2-лот бўйича “**Governess Business**” МЧЖ 75 балл, “**Traede eeg group**” МЧЖ 75 балл тўпланганлиги маълумот учун қабул қилинсан.

2.1. 2-лот бўйича “**Governess Business**” МЧЖ 75 балл билан 1-ўрин (Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Эркин, М-39 Автомагистрал йўли 45А-уй ) танлов ғолиби, “**Traede eeg group**” МЧЖ (Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани, А.Қодирий кўчаси, 35 уй) 75 балл билан 2-ўрин заҳирадаги ғолиби деб ҳисоблансан. (*Изоҳ: “Traede eeg group” МЧЖ раҳбарининг 2021 йил 7 октябрдаги 07/10-сонли хати билан 1-ўрин “Governess Business” МЧЖга берилган*)

2.2. Танлов ғолиби “**Governess Business**” МЧЖ томонидан 2-лот бўйича йиллик 19 фоиз устама билан хизмат кўрсатиш орқали 276,6 млн. сўм инвестиция киритиш мажбурияти юклатилсин.

3. Танлов натижаларига асосан **3-лот** бўйича “**Traede eeg group**” МЧЖ 75 балл, “**Meat fish business**” МЧЖ 40 балл тўпланганлиги маълумот учун қабул қилинсан.

3.1. 3-лот бўйича “**Traede eeg group**” МЧЖ 75 балл билан 1-ўрин (Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани, А.Қодирий кўчаси, 35-уй) танлов ғолиби, “**Meat fish business**” МЧЖ (Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 35-уй) 40 балл билан 2-ўрин заҳирадаги ғолиби деб ҳисоблансан.

3.2. Танлов ғолиби “**Traede eeg group**” МЧЖ томонидан 3-лот бўйича йиллик 15 фоиз устама билан хизмат кўрсатиш орқали **280,0** млн. сўм инвестиция киритиш мажбурияти юклатилсин.

4. Танлов натижаларига асосан **4-лот** бўйича “**Traede eeg group**” МЧЖ 75 балл, “**Meat fish business**” МЧЖ 40 балл тўпланганлиги маълумот учун қабул қилинсан.

4.1. 4-лот бўйича “**Traede eeg group**” МЧЖ 75 балл билан 1-ўрин (Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани, А.Қодирий кўчаси, 35-уй) танлов ғолиби, “**Meat fish business**” МЧЖ (Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 35-уй) 40 балл билан 2-ўрин заҳирадаги ғолиби деб ҳисоблансан.

4.2. Танлов ғолиби “**Traede eeg group**” МЧЖ томонидан 4-лот бўйича йиллик 15 фоиз устама билан хизмат кўрсатиш орқали **280,0** млн. сўм инвестиция киритиш мажбурияти юклатилсин.

14.2. Танлов ғолиби “**Traede eeg group**” МЧЖ томонидан **14-лот** бўйича йиллик 15 фоиз устама билан хизмат кўрсатиш орқали 280,0 млн. сўм инвестиция киритиш мажбурияти юклатилсин.

15. Танлов натижаларига асосан **15-лот** бўйича “**Marvarid Sof Savdo**” МЧЖ 95 балл, “**Abduvali Ota**” МЧЖ 85 балл тўпланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

15.1. **15-лот** бўйича “**Marvarid Sof Savdo**” МЧЖ 95 балл билан 1-ўрин (Тошкент вилояти, Чирчик шаҳар, Шароф Рашидов кўчаси 40-уй) танлов ғолиби, “**Abduvali Ota**” МЧЖ (Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, 19-мавзе 11-уй) 70 балл билан 2-ўрин заҳирадаги ғолиби деб ҳисоблансин.

15.2. Танлов ғолиби “**Marvarid Sof Savdo**” МЧЖ томонидан **15-лот** бўйича йиллик 15 фоиз устама билан хизмат кўрсатиш орқали 275,0 млн. сўм инвестиция киритиш мажбурияти юклатилсин.

16. Танлов натижаларига асосан **16-лот** бўйича “**Abduvali Ota**” МЧЖ 85 балл, “**Marvarid Sof Savdo**” МЧЖ 70 балл тўпланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

16.1. **16-лот** бўйича “**Abduvali Ota**” МЧЖ 85 балл билан 1-ўрин (Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, 19-мавзе 11-уй) танлов ғолиби, “**Marvarid Sof Savdo**” МЧЖ (Тошкент вилояти, Чирчик шаҳар, Шароф Рашидов кўчаси 40-уй) 70 балл билан 2-ўрин заҳирадаги ғолиби деб ҳисоблансин.

16.2. Танлов ғолиби “**Abduvali Ota**” МЧЖ томонидан **16-лот** бўйича йиллик 15 фоиз устама билан хизмат кўрсатиш орқали 280,0 млн. сўм инвестиция киритиш мажбурияти юклатилсин.

17. Танлов натижаларига асосан **17-лот** бўйича “**Abduvali Ota**” МЧЖ 85 балл, “**Marvarid Sof Savdo**” МЧЖ 70 балл тўпланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

17.1. **17-лот** бўйича “**Abduvali Ota**” МЧЖ 85 балл билан 1-ўрин (Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, 19-мавзе 11-уй) танлов ғолиби, “**Marvarid Sof Savdo**” МЧЖ (Тошкент вилояти, Чирчик шаҳар, Шароф Рашидов кўчаси 40-уй) 70 балл билан 2-ўрин заҳирадаги ғолиби деб ҳисоблансин.

17.2. Танлов ғолиби “**Abduvali Ota**” МЧЖ томонидан **17-лот** бўйича йиллик 15 фоиз устама билан хизмат кўрсатиш орқали 280,0 млн. сўм инвестиция киритиш мажбурияти юклатилсин.

18. Танлов натижаларига асосан **18-лот** бўйича “**Marvarid Sof Savdo**” МЧЖ 95 балл, “**Abduvali Ota**” МЧЖ 85 балл тўпланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

18.1. **18-лот** бўйича “**Marvarid Sof Savdo**” МЧЖ 95 балл билан 1-ўрин (Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳар, Шароф Рашидов кўчаси 40-уй) танлов ғолиби, “**Abduvali Ota**” МЧЖ (Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, 19 мавзе 11-уй) 70 балл билан 2-ўрин заҳирадаги ғолиби деб ҳисоблансин.

18.2. Танлов ғолиби “**Marvarid Sof Savdo**” МЧЖ томонидан **18-лот** бўйича йиллик 15 фоиз устама билан хизмат кўрсатиш орқали 280,0 млн. сўм инвестиция киритиш мажбурияти юклатилсин.

3. Инвестиция маблағлари биринчи навбатда аутсорсер корхонаси томонидан хизмат кўрсатилаётган давлат мактабгача таълим ташкилотларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтирилади.

4. Танлов ғолиблари томонидан инвестиция мажбуриятларини бажариш муддатлари кечиктирилган ҳолатда туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлимлари томонидан аутсорсинг хизматини кўрсатиш бўйича шартномалар бекор қилинади.

Бунда, танлов ғолиблари томонидан шартнома бекор қилингунга қадар киритилган инвестиция маблағлари қайтариб берилмайды.

#### **5. Вилоят Мактабгача таълим бошқармаси (С.Баратова)га:**

2021 йилнинг 22 октябридан, танловда ғолиб бўлган тадбиркорлик субъектлари ҳамда овқатлантиришнинг аутсорсинг усулини жорий этиш бўйича белгиланган вилоятнинг Нурафшон шаҳри, Ўрта Чирчик, Бўстонлик ва Қиброй тумани мактабгача таълим бўлимлари ўртасида **8 ой** муддатга тузилаётган шартномалар лойиҳасида тадбиркорлик субъектлари томонидан аутсорсинг хизматини кўрсатиш учун таклиф этилган устама микдори, киритилиши белгиланган инвестиция мажбуриятлари микдори ва муддатлари аниқ кўрсатилган бўлишини таъминлаш;

хар чоракда аутсорсинг хизмати кўрсатилаётган мактабгача таълим ташкилотларида Кузатув кенгашлари томонидан ота-оналар ўртасида сўровномалар ўtkазиш;

вилоят **Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бошқармаси** (А.Сатвалдиев) билан биргаликда, танлов жараёнида санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мос шароитларни яратиш бўйича аутсорсер томонидан таклиф қилинган инвестиция мажбуриятларини белгиланган муддатларда бажарилишини доимий мониторинг қилиш ва талаб қилиш;

тарбияланувчиларни овқатлантириш жараёнида аутсорсер корхонаси томонидан овқатлантиришни белгиланган талаблар асосида ташкил этишда ҳамда шартномада келтирилган мажбуриятларнинг бажарилишида камчиликларга йўл кўйилиши ҳолатлари аниқланганда Танлов комиссиясига аутсорсер фаолияти бўйича хулоса киритиш;

Аутсорсер томонидан киритилган инвестиция мажбуриятлари бўйича товар-моддий бойликларни ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўtkazish;

аутсорсинг усулида овқатлантиришни ташкил этаётган корхоналар томонидан тарбияланувчиларни овқатлантиришни ташкил этиш даражасини мунтазам равишда ўрганиб бориш;

хар чорак якунида мазкур баён ижроси ҳамда давлат мактабгача таълим ташкилотларида аутсорсинг усулида болаларни соғлом овқатлантиришни ташкил этиш ҳолати юзасидан таҳлилий маълумотларни Танлов комиссиясига киритиб бориш вазифалари юклатилсин.

Агарда аутсорсер томонидан танловдаги таклифларига кўра белгиланган муддатларда инвестиция маблағлари тўлиқ киритилганда, ўз фаолиятида санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мувофиқ амалга оширганда, кузатув кенгashi ва ота-оналар томонидан эътиrozлар бўлмаганда, Танлов комиссиясига мазкур аутсорсинг корхонаси билан келгуси йилларда хам мактабгача таълим ташкилотларида овқатлантиришнинг аутсорсинг усулини жорий этиш бўйича таклифлар киритсин.

#### **6. Тошкент вилояти Молия бош бошқармаси (О.Халиков)**:

Аутсорсер корхонаси томонидан кўрсатилган хизматлар учун маблағларни туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлимлари томонидан ўз вақтида ўtkazib берилишини таъминлаш;

танлов ғолиблари зиммасига юклатилган инвестицион мажбуриятларни ўз муддатида бажарилиши ҳамда туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлимлари томонидан ушбу маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланишини таъминлаш юзасидан доимий мониторинг ўрнатиш;

хар чорак якуни бўйича танлов ғолиблари томонидан молиявий мажбуриятларнинг бажарилиши бўйича таҳлилий маълумотни Танлов комиссиясига тақдим этиб бориш вазифалари юклатилсин.

7. Белгилаб қўйилсинки, Танлов ғолиблари томонидан белгиланган муддатларда шартномалар имзоланмаган ҳолатда, шунингдек, танлов ғолиби зиммасига юклатилган инвестиция мажбуриятларийнинг ўз муддатида бажармаслиги натижасида шартнома бекор килинган ҳолатда захирадаги ғолиб (танлов натижаларига кўра ғолибдан кейинги ўринни олган) иштирокчи билан шартнома имзолаш масаласи вилоят ҳокимлиги танлов комиссияси раисининг тегишли қарори билан амалга оширилади.

8. Мазкур баён ижросини назорат қилиш вилоят танлов комиссияси раисининг ўринбосари, вилоят мактабгача таълим бошқармаси бошлиғи С.Баратова зиммасига юклатилсин.

Йиғилиш котиби

Х.Юлдашев

Танлов комиссияси йиғилишининг  
2021 йил «8» октябрдаги  
«4» -сон баёнига  
1-илова

**Давлат мактабгача таълим ташкилотларида аутсорсинг усулида соғлом  
овқатлантиришни ташкил этиш танловининг ЛОТлар бўйича тақсимоти**

Лот рақами	Туман (шахар)номи	Мактабгача таълим ташкилоти рақами
1- лот	Нурафшон шаҳар	3,4,7,11,18
2- лот	Нурафшон шаҳар	12,14,16,22,26
3- лот ✓	Ўртачирчиқ туман	1,3,5,7,9
4- лот ✓	Ўртачирчиқ туман	10,12,17,21,34
5- лот ✓	Ўртачирчиқ туман	24,25,29,30,31
6- лот ✓	Ўртачирчиқ туман	33,35,36,37,38
7- лот	Бўстонлик туман	2,3,4,6,10
8- лот	Бўстонлик туман	7,8,9,14,15
9- лот	Бўстонлик туман	11,16,17,19,22
10-лот	Бўстонлик туман	1,18,20,21,23
11 -лот	Қибрай туман	1,2,6,8,11
12-лот	Қибрай туман	7,10,12,15,20
13-лот	Қибрай туман	9,17,21,25,37
14-лот	Қибрай туман	18,23,24,26,27
15-лот	Қибрай туман	28,29,31,32,33
16-лот	Қибрай туман	30,34,35,36,42
17-лот	Қибрай туман	38,39,44,47
18-лот	Қибрай туман	41,43,45,46